



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil « 19 » mart

№ 149

Toshkent sh.

Оролни кутқариш Халқаро жамғармаси Ижроия қўмитасидаги Ўзбекистон Республикасининг доимий вакили фаолиятини ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Оролни кутқариш Халқаро жамғармаси Ижроия қўмитасидаги Ўзбекистон Республикасининг доимий вакили фаолиятини самарали ташқил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг бадали (улуши) сифатида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ўтказиб бериладиган маблағлар ҳисобидан қуйидагилар:

Оролни кутқариш Халқаро жамғармасининг Орол денгизи ҳавзаси лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги ва Оролни кутқариш Халқаро жамғармасининг Нукус филиали;

Орол денгизи ҳавзасини кутқариш ва соғломлаштириш бўйича тадбирлар ва лойиҳалар молиялаштирилиши инobatга олинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2021 йилдан бошлаб, Оролни кутқариш Халқаро жамғармаси Ижроия қўмитасидаги Ўзбекистон Республикасининг доимий вакили фаолиятини **сақлаш** билан боғлиқ харажатлар Оролни кутқариш Халқаро жамғармасига Ўзбекистон Республикасининг бадали (улуши) сифатида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ҳар йили ўтказиб бериладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

Оролни кутқариш Халқаро жамғармаси Ижроия қўмитасидаги Ўзбекистон Республикасининг доимий вакили меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё мамлакатларидаги элчихоналари маслаҳатчиси мақомига тенглаштирилади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Оролни кутқариш Халқаро жамғармаси Ижроия қўмитасидаги Ўзбекистон Республикасининг доимий вакили фаолияти тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Оролни кутқариш Халқаро жамғармаси органларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш;

Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси органлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини амалга ошириш;

халқаро молия ташкилотлари, донор давлатлар ва соҳага оид жамғармалар билан ўзаро алоқаларни кенгайтириш;

доимий вакилнинг фаолиятини ташкил этиш ва молиявий таъминлаш.

4. Мазкур қарор Оролни қутқариш Халқаро жамғармасига раислик жамғармага аъзо бошқа давлатларга ўтганда, доимий амал қилиши белгилаб қўйилсин.

5. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев ва сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “19” мартдаги 149-сон қарорига
илова

Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси Ижроия қўмитасидаги Ўзбекистон Республикасининг доимий вакили фаолияти тўғрисидаги НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси Ижроия қўмитасидаги Ўзбекистон Республикасининг доимий вакили фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси (кейинги ўринларда – ОҚХЖ) Ижроия қўмитасидаги Ўзбекистон Республикасининг доимий вакили (кейинги ўринларда – доимий вакил) ОҚХЖ Ижроия қўмитасининг аъзоси ҳисобланади.

3. Доимий вакил ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, ушбу Низом ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси (1961 йил) ва ОҚХЖ фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади.

Доимий вакил ОҚХЖнинг таъсисчи давлатларида фаолият юритади.

2-боб. Доимий вакилнинг асосий вазифалари

4. Доимий вакилнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ОҚХЖ органларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш;

ОҚХЖ доирасида амалга ошириладиган кўп томонлама халқаро шартномалар, лойиҳалар ва дастурларда Ўзбекистон Республикасининг самарали иштирокини таъминлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирлик ва идоралари билан ОҚХЖ органлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини амалга ошириш, уларни ОҚХЖ доирасида ўтказиладиган халқаро мажлислар ва бошқа режалаштирилган тадбирлар учун тайёрланадиган тегишли маълумотлар билан таъминлаб бориш;

ОҚХЖ доирасида бўлиб ўтадиган тадбирларга Ўзбекистон Республикаси расмийлари ва делегацияларининг ташрифларини ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш;

Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича ОҚХЖ таъсисчи давлатлари раҳбарларининг, ОҚХЖ Президенти ва Бошқарув Кенгашлари қарорларининг амалий ижросини таъминлашда иштирок этиш;

ОҚХЖ доирасида халқаро шартномалар ва қабул қилинадиган қарорларни, шунингдек, Орол денгизи ҳавзаси муаммолари ва қуриши оқибатларини бар்தараф этишга қаратилган лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда ижро этилишида иштирок этиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик беқарор ҳудудларни тиклаш масалалари бўйича амалга ошириладиган тадбирларни фаоллаштириш мақсадида халқаро молия ташкилотлари, донор давлатлар ва соҳага оид жамғармалар билан ўзаро алоқаларни кенгайтиришда иштирок этиш;

ОҚХЖ фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича халқаро конференциялар, симпозиумлар ва семинарларни ташкил қилишда иштирок этиш;

ОҚХЖ фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширишда иштирок этиш.

5. Доимий вакил Оролни қутқариш Халқаро жамғармасининг давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссияси ва Барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссияси ишларига кўмаклашади.

3-боб. Доимий вакилнинг фаолиятини ташкил этиш ва молиявий таъминлаш

6. Доимий вакил Сув хўжалиги вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигининг таклифига мувофиқ белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

7. ОҚХЖнинг Орол денгизи ҳавзаси лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги ва Нукус филиали Ўзбекистон Республикасининг бадали (улуши) сифатида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ўтказиб бериладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

8. ОҚХЖнинг Орол денгизи ҳавзаси лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги ва Нукус филиали ташкилий тузилмаси ҳамда бошқарув ва мутахассис ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тариф разрядлари Сув хўжалиги вазирлиги томонидан Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Бунда ОҚХЖнинг Орол денгизи ҳавзаси лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги ва Нукус филиали ходимларига:

бюджет ташкилотлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 10 фоизи миқдоридан моддий рағбатлантириш махсус фонди;

икки ойлик меҳнат ҳақи фонди миқдоридаги маблағларни йўналтирган ҳолда мукофотлаш ҳамда бир ойлик иш ҳақи фондини йўналтирган ҳолда ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш шартлари қўлланилади.

9. Доимий вакилнинг фаолиятини сақлаш билан боғлиқ харажатлар ОҚХЖга Ўзбекистон Республикасининг бадали (улуши) сифатида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ҳар йили ўтказиб бериладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

10. ОҚХЖ Орол денгизи ҳавзаси лойиҳаларини амалга ошириш агентлигининг ҳар йилги харажатлар сметасида доимий вакилнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, суғурта ва хизмат сафари харажатлари назарда тутилади.

11. Доимий вакилнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4318-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё мамлакатларидаги элчихонаси маслаҳатчисига белгиланган миқдордан келиб чиқиб қўлланилади.

12. Доимий вакилнинг хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлари тегишли ҳисоб-китобларга асосан харажатлар сметасида режалаштирилади.

4-боб. Яқунловчи қоида

13. Доимий вакил ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун шахсий жавобгарликни ўз зиммасига олади.

